

**КЕЛИШИЛДИ**

Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш  
вазирлигининг ўринбосари

**И.Д.Джураев**

*И.Д.Джураев* 2017й.



**ТАСДИҚЛАЙМАН**

“Агробанк” АТБ  
Бошқарув раиси  
ўринбосари

**Р.Ў.Маматқулов**

*Р.Ў.Маматқулов* 2017й.



Ахборот технологиялари департаментининг

**НИЗОМИ**

## I. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/13-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида Йўриқнома”, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 29 сентябрдаги 25/4-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий махсулотлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида Низом”, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 2 январдаги 1/4-сон қарори билан тасдиқланган “Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш Қоидалари”, Марказий банк Бошқарувининг 2014 йил 21 февралдаги 4/4-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисида Низом” ҳамда банк Устави талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар ва амалдаги қонунчилик асосида Ахборот технологиялари департаменти ўз фаолиятини амалга оширади.

2. Мазкур Низом департаментнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

3. Департаментга Бошқарув раиси томонидан тайинланадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

4. Департамент ўзига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботни мунтазам равишда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган Бошқарув Раиси ўринбосарига бериб боради.

5. Департамент ўз фаолиятини тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Электрон Ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган йиллик манзилли дастур асосида олиб боради ва бошқа таркибий тузилмалар билан ҳамкорлик қилади.

6. Департамент таркибига қуйидаги тузилмалар қиради:

а) Ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси. Унинг таркибига қуйидаги бўлимлар қиради:

1) Янги дастур ва технологиялар бўлими;

2) Давлат органлари билан ахборот ҳамкорлигини ривожлантириш бўлими.

“Agrobank” aksiyadorlik tijorat banki  
Metodologiya bo'limi

344 raqam bilan ro'yxatga olindi

20 17 yil 18. aprel

imzo

б) Банк техникаси ва дастур таъминотларига хизмат кўрсатиш бошқармаси.  
Унинг таркибига қуйидаги бўлимлар киради:

- 1) Дастур таъминотларига хизмат кўрсатиш бўлими;
- 2) Телекоммуникациялар ва техник хизмат кўрсатиш бўлими;
- 3) Банк техникасига хизмат кўрсатиш бўлими.

7. Департамент ходимларининг лавозим мажбуриятлари ушбу Низомга илова қилинади.

8. Департаментда иш юритиш тартиби банк тизимида ўрнатилган иш юритиш тартибига асосланган ҳолда олиб борилади.

## II. Вазифалари ва функциялари

9. Департаментнинг асосий мақсади:

- белгиланган тартиб ва қоидалар асосида мижозларга сифатли ҳамда жаҳон андозалари даражасида намунали хизмат кўрсатилишини жорий этиш ва ривожлантириш;

- банкнинг филиалларида ягона компьютерлаштириш ҳамда ахборотлаштириш тизимини шакллантириш;

- ҳисоблаш техникаси, дастурлаш ҳамда алоқа воситаларининг замонавий технологияларини банк фаолиятига татбиқ этиш;

- банк операциялари жараёнида автоматлаштиришни ривожлантириш ва улар ҳисобига бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботларининг сифатини ошириш;

- банк таркибий тузилмаларининг ахборот ресурслари билан эркин ишлашини таъминлаш;

- банкнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- банкнинг тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида жаҳон молия бозорига чиқишини таъминлаш;

- банк фаолиятини электрон ҳуқумат соҳасидаги давлат дастурларини ва шу каби дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

- давлат органлари билан хавфсиз ахборот алмашинувини йўлга қўйишдан иборатдир.

10. Ушбу мақсадларга эришиш учун департамент қуйидаги **асосий вазифаларни** амалга оширади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 апрелдаги 87-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги туғрисидаги Низомни

Agrobank aksiyadorlik tijorat banki  
Metodologiya bo'limi  
344 raqam bilan ro'yxatga olindi  
20.17yil 18. aprel  
imzo \_\_\_\_\_

тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан банк фаолиятида АКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича яқин йиллар учун молиялаштириш манбалари билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасини Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқади;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ҳар чоракда ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни электрон шаклда, белгиланган муддатларда NIS.UZ идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиб боришни таъминлайди;

в) Банк расмий веб-сайтини қўйиладиган талаблар асосида шакллантириш, унинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш ишларини амалга оширади;

г) «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси билан белгилаб берилган электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш принципига асосан банк томонидан миқозларга кўрсатиладиган хизматлар ва электрон давлат хизматларини мунтазам равишда такомиллаштиришга йўналтирилган чораларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

д) «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддаси билан белгилаб берилган давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатларига асосан «Электрон ҳукумат» доирасида ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ҳамда электрон давлат хизматларини жорий этади, ривожлантиради ва интеграция қилади;

е) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги 232-сон «Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Банк расмий веб-сайтида ва Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталида очик маълумотлар тўпламларини жойлаштиради ва белгиланган муддатларда янгиланган боради;

ё) банкнинг филиаллараро тўловларини амалга оширади, унинг ягона балансини юритади, ягона баъза маълумотларини йиғиш жараёнини бошқаради, бу маълумотларнинг тўлиқ ва ҳаққонийлигини таъминлайди ҳамда кунлик маълумотларни архивлаб, уларнинг бут сакланиши ва хавфсизлигини таъминлайди;

ж) банк тизимини компьютерлаштириш ҳамда ахборотлаштиришдаги илғор тажрибаларни банк ва унинг филиаллари фаолиятига жорий қилади

Methodologiya bo'limi  
344 raqam bilan ro'yxatga olindi  
20 17 yil 18 - aprel  
imzo

з) банк операцияларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш бўйича меъёрий ҳамда услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

и) банк фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида банк учун янги дастурий таъминотлар ишлаб чиқади, уларни татбиқ этади, техник воситалар билан таъминлайди, коммуникация тармоқларини яратади ҳамда улар ишини назорат қилади;

к) банкда ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш мақсадида маблағ ажратишга буюртма беради ва уларни мақсадли ишлатилишини назорат қилади;

л) банк тизимида ахборотни сақлаш, ахборот бутлигининг ташкилий ва техник тадбирларини мувофиқлаштириш ҳамда банк маълумотлар баъзасига рухсатсиз киришни чеклайди;

м) ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

н) электрон давлат хизматларини жорий этиш, ривожлантириш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

о) умумий қабул қилинган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ ахборот технологиялари ва электрон ҳукумат, ахборотлаштириш, телекоммуникациялардан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

п) банк фаолиятининг ахборот технологиялари йўналиши бўйича техник воситаларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларини тартибга солинишини ташкил этади;

р) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Марказий банк ва бошқа идораларда департамент ваколатидаги масалалар бўйича иштирок этади.

11. Департаментнинг функциялари унинг таркибидаги бошқармалар ҳамда бўлимлар томонидан бажариладиган функциялар йиғиндисидан иборатдир.

12. Ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси:

а) Янги дастур ва технологиялар бўлимининг вазифалари:

1) ахборот технологияларининг илғор (шу жумладан, Internet телекоммуникацион тармоғи) тажрибаларини ўрганиб, уларни банк фаолиятига татбиқ этиш;

2) офис технологияларини ўрганиш ва уларни татбиқ этиш;

3) автоматлаштирилиши лозим бўлган масалаларни аниқлаш мақсадида банкнинг таркибий тузилмалари билан доимий ишлаш ва шу каби масалаларнинг комплекс ечимини топиш;

Agrobank aksiyadorlik tijorat banki  
Metodologiya bo'limi  
344 raqam bilan ro'yxatga olindi  
20 17 yil " 18 " aprelde  
imzo \_\_\_\_\_

4) кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини жорий этиш, ривожлантириш ва давлат органлари билан интеграциясини таъминлаш;

5) ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини таҳлил қилиш ва банкнинг янги рейтингли баҳолаш тизимида юқори кўрсаткичларга эришишини таъминлаш.

**б) Давлат органлари билан ахборот ҳамкорлигини ривожлантириш бўлими вазифалари:**

1) банкнинг "Электрон ҳукумат" тизими ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш доирасида таклифлар бериш, уларни тадбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш;

2) "Электрон ҳукумат" доирасида ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ҳамда электрон давлат хизматларини жорий этиш, ривожлантириш ва интеграция қилиш давлат органлари билан ахборот алмашиш ҳамкорлигини ташкиллаштириш;

3) давлат (тармоқ/соҳа) хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартибини такомиллаштириб бориш принципига асосан банк томонидан кўрсатиладиган давлат (тармоқ/соҳа) хизматларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

4) Банк расмий веб-сайти ва Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталида банкнинг масъул бўлимлари томонидан шакиллантирилган очик маълумотлар тўпламини жойлаштириш ва белгиланган муддатларда янгилаб бориш;

5) Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда, белгиланган муддатларда NIS.UZ идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизимига доимий киритиб боришни таъминлайди.

**13. Банк техникаси ва дастур таъминотларига хизмат кўрсатиш бошқармаси:**

**а) Дастур таъминотларига хизмат кўрсатиш бўлимининг функциялари:**

1) барча автоматлаштирилган тизимлар мажмуасига кирувчи дастурларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

2) банк таркибий тузилмаларининг таклифига кўра банкнинг автоматлаштирилган тизим дастурларига тегишли ўзгартиришларни тўғри ва ўз вақтида киритиш;

3) банкнинг вилоят бошқармалари ва филиалларидан келиб тушадиган тезкор ва кунлик ахборот (маълумот)ларни жамлаш, сақлаш ҳамда марказлашган ҳолда қайта ишлаш;

Agrobank aksiyadorlik tijorat banki  
Metodologiya bo'limi  
344 raqam bilan ro'yxatga olindi  
20 17 yil 18. Aprel  
imzo

4) банк фаолиятида банк ҳисобот (маълумот)ларини тезкор таҳлил қилувчи дастурий тизимлар мажмуасини ишлаб чиқиш (тузиш) ва жорий этиш;

5) банк ахборот (маълумот)ларини таҳлил қилувчи дастурий тизимлар мажмуасини банкнинг вилоят бошқармалари ва филиаллари амалиётига татбиқ этиш;

6) давлат (хўжалик) бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар баъзаларини банк ахборот тизимлари билан интеграциялаш жараёнида иштирок этиш;

7) Марказий банкнинг Ахборотлаштириш бош маркази орқали банклараро тўловларни амалга ошириш бўйича:

- банкнинг филиаллараро тўловларини ягона ҳисобварақ орқали тўхтовсиз ўтишини таъминлаш;

- клиринг операциялари тизимида амалиёт кунини очиш ва ёпиш жараёнларини ташкиллаштириш ҳамда назорат қилиш;

8) банкнинг ҳудудий бошқармалари ва филиалларида автоматлаштирилган дастурий тизимлар бўйича юзага келган носозликлар ҳамда хатоликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

9) банк ва ҳудудий бошқарма (филиал)ларининг захирасидаги ҳисоблаш техникаси ҳамда тизимларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

10) клиринг баъзаси ва банк ахборотларини архивлаш, сақлаш ҳамда уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш.

б) Телекоммуникациялар ва техник хизмат кўрсатиш бўлимининг вазифалари:

1) банкнинг локал ҳисоблаш тармоғи ва тармоқ ишини таъминловчи воситаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

2) филиаллараро тармоқ ва электрон почта тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

3) банкнинг вилоят бошқармалари ва филиалларида ишловчи мутахассисларга услубий ёрдам кўрсатиш;

4) банкнинг телекоммуникацион тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш йўналишини танлаб, уни амалиётга татбиқ этиш;

5) электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг бир-бири билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда тармоқ ишини қонунчиликда белгиланган тартибда ташкиллаштиш;

6) интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича банк фаолиятини олиб боришда тармоқ фаолиятини жорий этиш.

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki  
Metodologiya bo'limi  
344 raqam bilan ro'yxatga olindi  
20 17 yil " 18 " aprel  
imzo \_\_\_\_\_

в) Банк техникасига хизмат кўрсатиш бўлимининг функциялари:

1) банк тизимида мавжуд сервер, компьютер, офис техникаси ҳамда уларни боғловчи қурилмаларнинг узлуксиз ишини таъминлаш;

2) сервер ва компьютер техникаларини боғловчи қурилмаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаш ва улар билан шартнома тузиш;

3) хизмат кўрсатувчи ташкилот мутахассислари билан ҳамкорликни ўрнатиш ва доимий назоратни олиб бориш;

4) бузилган сервер, компьютер, офис техникасини банк маблағлари ҳисобидан ёки банк билан ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатувчи ташкилотлар томонидан таъмирланиши;

5) банкда мавжуд компьютер ва офис техникасининг қайдномасини юритиш ҳамда даврий равишда техникага бўлган талаб ҳисоботини шакллантириш;

6) замонавий техник қурилмаларининг иш фаолиятини ўрганиш ва банк тизимига тадбиқ этиш юзасидан ўз таклифларини бериш;

7) яроқсиз ҳолга келган компьютер ва офис техникасини белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш.